



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Янгийўл тумани васийлик

Кенгаши раиси

Н.Нормирзаева

2022 йил

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

1. Умумий ҳолат

- 1.1.** Ушбу танлов ҳужжатлари “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни (кейинги ўринларда Қонун) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.
- 1.2.** Танлов мавзуси: **Янгийўл тумани Шўралисой МФЙда жойлашган “Аёллар дафтари” рўйхатида турувчи фуқаролар Кенжабоева Ўғилой, Зарипова Фотима, Абдураимова Тажихолга қарашли яшаш хонадонини жорий таъмирлаш бўйича**
- 1.3.** Танлов охирги қиймати **27 806 145**(йигирма етти миллион саккиз юз олти минг бир юз қирқ беш) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.4.** Талабгор ўз таклифини электрон танлашга жойлаштириши мобайнида унинг чегирмаси объектнинг бошланғич қийматидан **5 %** дан кўп бўлган тақдирда таклиф буюртмачи томонидан қабул қилинмайди.
- 1.5.** Танлов таклифида кўрсатилган нархлар чегара қийматидан ошмаслиги керак.
- 1.5.** Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.
- 1.6.** Танлов комиссияси йиғилишининг шакллари-онлайн.

2.Танлов ташкилотчилари

- 2.1** Буюртмачининг номи – **Янгийўл тумани ҳокимияти** (бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади)
- 2.2.** Комиссиянинг ишчи органи танлов комиссияси (бундан кейин-“комиссия”).
- 2.3.** Танлов камида етти аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

3.Танлов иштирокчилари

- 3.1.** Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин, **4.2** бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

4.Танлов ўтказиш тартиби

- 4.1.**Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси:
 - а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклаб олиш);
 - б) танлов ҳужжатларини талабларига мувофиқ танлов таклифини тақдим этиш;
- 4.2.**Иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади;
қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш;
“Буюртмачи” билан суд ёки арбитражд ҳолатида бўлиш; ягона реестрда виждонсиз ижрочилар;

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотна ошкор қилиш ва тақдим этишни назара тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар;

4.3. Буюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-тамоилларида қатнашишдан четлаштиради, агар; иштирокчи тўғридан-тўғри ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ҳодимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш, давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш; иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлиги ёки манфаатлари тўқнашувига эга.